

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ФИЛИЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ЎЗБЕК ТИЛИ ЎЎАЛИШИ IV КУРС 402-
ГУРУХ ТАЛАБАСИ**

ЯХШИБОВЕВА МАФТУНАНИНГ

«ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН

«Лексеманинг семантик табиати»

МАВЗУСИДАГИ

КУРС ИШИ

НАМАНГАН-2012

Аннотация

Ушбу курс иши филология факультети 5120101-ўзбек тили йўналиши IV босқич талабаси **ЯХШИБОВЕВА МАФТУНА** томонидан тайёрланган. Курс ишида энг қадимги тилшунослик таълимотларидан тортиб, XI асргача бўлган тилшунослик назариясига доир муҳим маълумотлар бор. Курс ишида тилшунослик назарияси фани, жаҳон тилшунослиги тарихининг асосий босқичлари, етакчи йўналишлари, мактаблари, таълимотларидан келиб чиқадиган лексеманинг семантик хусусиятлари ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар берилган.

Лексеманинг семантик табиати

РЕЖА:

- 1. Сўз ҳақидаги назариялар.**
- 2. Лексема нима ва унинг сўзга муносабати.**
- 3. Лексик маъно. Семема ва номема.**
- 4. Лексик маъно тузилиши.**
- 5. Лексик - семантик гуруҳ.**
- 6. Мазмуний майдон тушунчаси.**

Сўз ҳақидаги назариялар

Сўз тушунчаси тилшунослик тарихида марказий ўринни эгаллайди. Шундай бўлишига қарамасдан, сўзнинг мақоми масаласида шу кунга қадар ҳам бир хил фикр мавжуд эмас.

Тилшуносликда сўз энг ноаниқ тушунчалардан бири эканлиги, у турли тилларда турлича бўлишини эътиборга олиб, айрим тилшунослар сўз тушунчасидан, умуман, воз кечишни таклиф қиладилар. Хусусан, Ш.Балли шундай деб ёзади: “Биринчи қарашда сўз

тушунчаси аниққа ўхшаб кўринади. Аслида бу тушунча тилшуносликдаги энг ноаниқ тушунчалардан биридир. Сўз тушунчаси ноаниқ экан, ундан воз кечмоқ керак”¹.

Тилшунослик тарихида сўзнинг тил онтологиясидаги ўрни масаласида икки йўналиш майдонга келди. Биринчи йўналиш сўзни тилнинг асосий бирлиги деб эътироф этади. Қолган барча бирликларнинг (морфема, фразеологик birlik, маълум грамматик қурилишлар) сўз билан қандайдир йўл билан боғланганлигини ва сўз асосида тушунтирилишини, бу эса сўзнинг тилнинг асосий бирлиги бўлишини тақозо этишини таъкидлайдилар. Бу йўналишни шартли равишда «вербоцентрик (лотинча вербум-«фёъл», «сўз» демакдир) назария дейиш мумкин.

Вербоцентрик назариянинг илдизи антик даврларга бориб тақалади ва Оврупо тилшунослигида кенг тарқалди. Айниқса рус тилшунослигида, тўғрироғи, рус тилшунослигининг шўро даврида марказий ўринни эгаллади. Антик давр олимлари, хусусан, Арасту фёълни вақт маъносини ифодаловчи ва қисмлари алоҳида олинганда ҳеч қандай маъно билдирмайдиган товуш бирикмаси сифатида изоҳлайди².

XX асрга келиб, табиий фанлар ҳар қандай нарсa зарраларининг ўзарo зидлиги ва бирлигидан ташкил топган яхлитлик эканлиги яққол очиб берилиши муносабати билан тилшуносликда ҳам сўзнинг маъноли элементларга бўлиниши ҳақида фикр юритила бошланди. И.А.Бодуэн де Куртенэ томонидан энг кичик маъноли birlik сифатида морфеманинг ажратилиши тилшунослик тарихида катта ўзгариш ясади. Сўзга тилнинг бирламчи ва асосий маъноли birlik сифатида қарашга чек қўйилди. Сўз ҳам бошқа birlikлар қаторидаги birlik сифатида қарала бошланди.

Дескриптивчилар томонидан нофлексив тилларнинг кўпроқ тадқиқ этилиши морфемага асосий эътиборнинг қартилишига, ўз навбатида, сўз мавқеининг эса пасайишига олиб келди.

Тилнинг бирламчи маъно birlik сифатида морфеманинг эътироф этилиши тилшуносликда «морфоцентрик» назарияни вужудга келтирди.

Натижада бундай назариянинг асосий таҳлил birlik морфема ҳисобланиб, сўз, сўз бирикмаси, лингвистик рама ва унинг валентликлари каби назарий муаммолар ҳам морфема орқали ўрганилди¹.

Анъанага кўра, сўз атамаси лексик birlik бўлган лексемага нисбатан ҳам, морфологик birlik бўлган сўз шаклга нисбатан ҳам қўлланилади. Шунинг учун ҳам кўп адабиётларда лисоний birlik билан мантиқий birlik солиштирилиб, сўзнинг тушунча ифодаланиши, ана шу белгиси билан ҳукм ифодаловчи гапдан фарқланиши ва сўз бирикмаси билан умумийлик ҳосил қилиши ҳақида гап боради. Бундай ҳолатларда, табиийки, лексик birlik саналувчи лексема маъносида қўлланган сўз атамаси ҳақида фикр юритилади. Одам сўзи борлиқдаги «онгли фаолият кўрсатиш ва нутқий фаолият иштирокчиси бўлиш имконига эга бўлган тик гавдали жонзот» тушунчасини ифодаланиши билан бирга, «бош келишиқ, birlik шаклдаги от» маъносидир. Ҳозирги тилшуносликда биринчиси учун лексема, лексик морфема, иккинчиси учун эса сўз шакл атамаларидан фойдаланилади.

Сўз лексик морфема билан кўмакчи морфеманинг синтагматик муносабатидан ташкил топган бутунлиқдир. Унинг тузилиш модели лексик морфема (M_L) ва кўмакчи морфема (M_K) муносабатини ифодаловчи (M_L+M_K)дир. Бу модел нутқ жараёнида сўз шакллари ёрдамида воқеланади. Масалан, *иш*ни, *иш*га, *иш*дан сингари сўз шакллариининг ҳар бири (M_L+M_K)нинг келишиқ шаклларида биттаси орқали воқеланади.

¹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М.; 1955, С. 15.

² Аристотель. Сочинения. Т.2. М.. 1978, С.94.

¹ Қаранг: Арутюнова Н.Д. Морфология в трудах американских дескриптивистов// Вопросы теории языка в современной лингвистике. М., 1961, С.192.

Лексема ва сўз

Лексик сатҳ бирлиги лексемадир.

Сўз ва **лексема** атамалари кўп ҳолларда аралаш ҳолда қўлланади. Лекин улар бир-биридан фарқ қилади. **Лексема** *семема* ва *номемалар*нинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналиб, унинг мазмуний мундарижаси аташ, ифода ва вазифавий семалар муносабатидан иборат бўлади. Ҳар қандай лексемада бу семалардан “аташ” семаси албатта иштирок этади. Шунинг учун бу сема лексеманинг марказий семаси, қолган семалар эса чегара семалар ҳисобланади. Масалан, *гапирмоқ*, *дўнгилламоқ* лексемалари бир хил аташ семасига эга бўлиб, ифода семаси билан бир-биридан фарқ қилади.

Бу жиҳатдан **сўз** атамаси лексемалардан бошқа бирликларни ҳам, яъни аташ семасига эга бўлмаган бирликларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, *аммо*, *учун* сўз, лекин лексема эмас. Чунки уларнинг аташ семаси мавжуд эмас. Факт грамматик маънога эга. Демак, сўз грамматик маънога эга бўлган лексемаларни ва ёрдамчи, ундов, модал номлари билан юритилувчи бирликларни ўз ичига олади.

Лексема лексик сатҳ бирлиги саналади. У граммаимк маъно ва бу маънони ифодаловчи шаклга эга бўлиб, сўзга, яъни морфологик бирликка айланади. Масалан, *дарахт* “танадан шохланувчи кўп йиллик ўсимлик” аташ семасига эга бўлиши билан лексема. Бу лексема отлик, бош келишиклик, бирлик семаларига ва бу семаларни ифодаловчи шаклларга эга бўлиши билан сўзга, морфологик бирликка айланади.

Кўринадики, **лексема** ва **сўз** тилнинг икки сатҳ бирлигини ифодалайди.

Лексик маъно

Лексик маъно ҳақида илмий адабиётларда хилма-хил ва баъзан бир-бирига зид фикрлар юритилади. Лексик маънога бундай турлича ёндашув ўзбек тилшунослигида ҳам ўз аксини топади. Бироқ улар маълум даражада бир-бирини тўлдиради. Жумладан, “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида “Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти лексик маъно дейилади... Бу маълумот шу сўзнинг маъноси бўлади”¹, - дейилса, “Ўзбек тили лексикологияси” да “Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса, ҳодиса, ҳаракат, белги ва шу кабилар ҳақида маълумот берувчи (тасаввур берувчи) мазмуни лексик маъно дейилади”, - деб таъкидланади.²

Профессор А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати” китобида “Сўзнинг материал қисми (лексема) билдирадиган маъно: маълум товуш комплексини маълум объектив воқеликка боғлаш билан киши онгида юзага келадиган мазмун-мундарижа” нинг лексик маъно дейилиши қайд этилади.¹

Берилган таърифлар ифодаси жиҳатидан, қанчалик турлича бўлишига қарамай, уларда “предмет, воқеа-ҳодиса ёки муайян муносабатнинг онгда акс этиши лексик маъно” эканлиги изоҳланади.²

Лексик маънони онгда предмет, ҳодиса, хусусият, муайян жараён ва шу кабилар ҳақидаги тушунчаларни акс эттирувчи ва унга боғловчи ҳамда сўзловчининг субъектив муносабатини ифодаловчи сўз мазмуни (мундарижаси) деб ҳисоблаш мумкин.

Лексик маъно тузилиши

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.-Б.104.

² Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981.-Б.199.

¹ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - Б.57.

² Новиков Л.А. Семантика русского языка. –М.: ВШ, 1982.-С.86.

Лексик маъно мураккаб структурали бутунлик саналади. Лексик маъно тўғрисида гапирганда, борлиқ элементининг умумлашган образини онгда акс эттириш ҳамда акс этган борлиқ элементининг акустик сигналлар орқали ифоланиши ҳақида фикр юритишга тўғри келади. Бу элементлар, юқорида таъкидланганидек, айрим адабиётларда тўртбурчак шаклида ҳам ифодаланади. Бунда тушунча билан сўзнинг маъноси бир-биридан фаркланади. Айрим адабиётларда сўз орқали ифодаланган тушунча лексик маъно ҳисобланади. Бундай таъриф натижасида қонуний савол туғилади: сўзнинг лексик маъноси билан тушунча тенгми?

Бир қатор мантиқшунослар ва тилшунослар лексик маъно билан тушунчанинг тенг эмаслигини эътироф этадилар³. Дарҳақиқат, лексик маъно тушунчага нисбатан кенгрок саналади, тушунча лексик маънонинг марказий элементи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам лексик маънони тушунча билан тенглаштириш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди. Тушунчалар фаннинг ва ижтимоий ҳаётнинг маълум босқичида нисбий ҳақиқатни акс эттиради. Лекин ана шу нисбий ҳақиқатда келажакда рад этиб бўлмайдиган абсолют ҳақиқатнинг зарраси ётади. Обьектив олам ҳақидаги билимларимиз кенгайиши билан тушунча ҳақидаги билимларимиз ҳам кенгайиб, мукамаллашиб боради. Бу эса лексема орқали ифоланадиган тушунчанинг диалектик табиатини кўрсатади.

Айрим лингвистик адабиётларда лексик маъно ҳақида фикр юритилаётганда, объектив борлиқнинг онгда акс этган, умумлашган образи билан лексик маънонинг ифодаланмиш қисми ва маъно ўртасида фарқ мавжудлигини кўрсатадилар ҳамда лексик маънони семантик тўртбурчак орқали ифодалядилар.¹

Лексеманинг моддий қобиғи остидаги ифодаланмиш маъно ҳисобланади. Маъно билан тушунчанинг бир-бирига тенг келмаслик ҳолатлари кўрсатилади. Дарҳақиқат, маъно тушунчанинг ўзи эмас. Маъно таркибида нарс ва ҳодисаларнинг умумлашган образи марказий ўринни эгалласа ҳам, лекин бу икки ҳодиса бир-бирига тенг эмас. Маъно тушунчага нисбатан кенгрокдир. Шу билан биргаликда, тушунча билдирмайдиган лингвистик бирликлар ҳам маълум маънога эга бўлади.

Бу хусусда фикр юритиб, Е.М.Галькина-Федорук тушунча ва маънони турлича категориялар эканини, яъни мантиқ категорияси (тушунча) ва лингвистик категория (маъно) ҳисобланишини қайд қилади.² Шунга қарамай, нутқда бир вақтнинг ўзида икки хил акс эттириш усули мавжуд эканлигини тушунтириб бериш учун бу икки ҳодисани юқоридаги фарқланиши етарли эмас. Чунки Е.М.Галькина-Федорук томонидан сўзнинг лексик маъноси сўзлашувчи жамоа томонидан борлиқнинг у ёки бу ҳодисаси билан боғланиши тарзида талқин этилади.

Авалло, реалликдаги предмет ва товушлар бирикмаси ўртасида муайян алоқа бўлмайди, бундай алоқа инсон томонидан ўрнатилиши кузатилади. Товушлар бирикмаси билан предметлар орасида бу каби шартли муносабат бўлганда, товушлар бирикмаси ишора қилиш, кўрсатиш вазифасини бажаради. Тушунчадан фарқли ҳолда, маъно табиий асосда келиб чиқади.

Б.А.Серебренниковнинг таъкидича, шартли ва сунъий равишда танланган алоқага ҳеч қачон акс эттириш сифатида қараб бўлмайди. У маъно ва тушунчани ўзаро фарқлаган ҳолда, маънони инъикос категорияси эканини инкор этади.³

Маъно лингвистиканинг ўрганиш объекти, тушунча эса мантиқнинг ўрганиш объекти саналади, маъно лингвистик белги тузилишига кирса, тушунча ҳукм узв(компонент)идир.

³ Горский Д.П. Роль языка в познании.// Мышление и язык. - М., 1957.- С. 86; Новиков Л.А. Семантика русского языка. - М.: ВШ, 1982 ва бошқалар.

¹ Современный русский язык. Теоретический курс. Лексикология. -М.: РЯ, 1987; Новиков Л.А. Семантика русского языка. -М.: ВШ, 1982.

² Галькина-Федорук Е.М. Слова и понятие в свете учение классиков.// Вестник МГУ, 1951, №9.-С.86.

³ Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлению языка. -М.: Наука, 1983.-С.71.

Тушунчалар объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини акс эттирибгина қолмасдан, балки борлиқда мавжуд бўлмаган, инсоннинг тафаккур олами томонидан ҳосил қилинган нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини ҳам акс эттириши мумкин.

Сўз орқали инсон катта ютуқни қўлга киритди, бу восита натижасида унинг олами иккиланди. Сўзга эга бўлгунга қадар фақат бевосита кўриб турган нарса билан иш кўрган мавжудот тилга эга бўлиши билан фақат борлиқ элементлари билангина эмас, балки бевосита кузатмаган нарса ва ҳодисалар билан ҳам иш кўра оладиган бўлди. Сўз инсонга бевосита кузатишда берилмаган нарса ва ҳодисалар ҳақида ҳам ахборот бера олади. Шунинг учун ҳам ҳайвонот фақат бир оламга - сезги орқали ҳис қилиш мумкин бўлган предметлар оламига эга бўлса, инсон икки оламга - сезги орқали ҳис қиладиган олам билан бирга, сўз орқали ифодаланадиган образлар, муносабат, сифатлар дунёсига эга бўлди.⁴

Шунга мувофиқ, сўзларнинг борлиқ (денотатив) маъноси реал ва афсонавий тушунчалар бўлиши ҳам мумкин. Қандай тушунчани ифодалашига мувофиқ, сўзлар ҳам борлиқдаги инсон онгидан ташқарида бўлган нарса ва ҳодисаларни номловчи сўзлар ҳамда инсон томонидан яратилган афсонавий нарса ва ҳодисаларнинг номларини ифодаловчи сўзлар сифатида ажратилади.

"Ўзбек тили лексикологияси" китобида "айрим сўзлар билдирадиган нарса-ҳодисалар объектив ҳолда бўлмаслиги мумкин... Лекин бу нарса-ҳодисалар бор деб тушунилгани учун уларни ифодаловчи сўзлар юзага келган", - дейилади.

Бизнинг онгимиздан ташқарида моддий борлиқдаги предметларни ифодаловчи сўзларни афсонавий тушунчаларни ифодаловчи абстракт сўзлардан фарқлаш лозим. Лексемалар орқали ифодаланган аниқ предметлар инсондан ташқарида мавжуд бўлса, абстракт предметларни инсон яратади ва инсондан ташқарида мавжуд бўлмайди.

Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар умумлашган образларининг онгда акс этиши тушунча ҳисобланар экан, бу тушунчалар объектив борлиқни номлаш жараёнининг иккинчи босқичини ташкил этади. Бу тушунчалар муайян моддий қобикқа, акустик хоссаларга эга бўлиб юзага чиқади, яъни тил бирлиги орқали ўз ифодасини топади. Борлиқнинг акси бўлган тушунчалар турли хил моддий воситалар ёрдамида ифодаланиши нуктаи назаридан тиллар бир-биридан фарқланади. Ҳатто, бир тилнинг ўзида ҳам муайян тушунча бир қанча моддий воситаларга эга бўлиши мумкин ва аксинча, бир неча тушунча моддийлашишига кўра бир-бирига ўхшаб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образи турли хил моддий қобиклар ёрдамида ўз ифодасини топади. Объектив олам элементлари билан унинг умумлашган образлари ўртасида қандай чамбарчас муносабат бўлса, умумлашган образлар билан унинг моддий қобикқа эга бўлиши ўртасида ҳам шундай барқарор муносабат мавжуддир. Биринчи муносабатни акс этиш жараёни, иккинчи муносабатни эса ифодалаш жараёни дейилади.

Бундан кўринадики, ҳар қандай маъноли бирликларнинг моддий томони объектив оламни акс эттириш жараёни орқали номлайди. Демак, тил борлиқни бевосита эмас, балки билвосита ифодалайди. Нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образи саналувчи тушунчалар қанчалик динамик хусусиятга эга бўлса, унинг моддий қобиғи ҳам шундай ўзгариш, ривожланиш хусусиятига эга бўлади. Даврлар ўтиши билан моддий қобикнинг товуш тузилишида турли хил ўзгаришлар бўлиши ёки маълум сабабларга кўра, бир моддий қобик эскириб, ўрнига бошқаси қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, акс эттириш жараёнида ҳам, ифода жараёнида ҳам акс этувчи билан аксланма ҳамда ифодаланмиш билан ифодаловчи ўртасида зиддиятли, динамик, шу билан бирга, барқарор муносабат мавжуд бўлади. Ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги ана шундай барқарорлик муайян тил эгалари ўртасида коммуникация жараёнида бир-

⁴ Лурия А.Р. Язык и сознание. – М.: МГУ, 1979.- С.37.

бирини осон тушунишларига имконият яратади ва ана шу барқарорлик тилнинг авлоддан авлодга ўтишини таъминлайди.

Объектив олам элементларининг умумлашган образи айрим адабиётларда семантик-предмет, реалема атамалари билан ҳам юритилади. Семантик-предмет муайян лингвистик белги орқали ифодаланган борлиқдаги реал предметларнинг белгилар мажмуасидир. Бу белгилар борлиқдаги реал предметларни маълум синфларга бирлаштириш, шу билан бирга, муайян синфга бирлашган предметларни ўзаро фарқлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу белгилар муайян лексеманинг семантик тузилишида семантик иштирокчилар вазифасини бажаради. Шу маънода тил борлиқнинг умумлашган шакли дейиш мумкин. Тил аниқ вазиятни тил бирликлари орқали умумлаштирган ҳолда ифодалайди. Тил бирликларининг умумлашган маънога эга бўлиши унинг энг муҳим хусусиятидир. Ана шу умумлаштирувчилик хусусияти воситасида тил белгиси турли шахслар томонидан турли вақтда ва турли шароитда хилма-хил предметларга нисбатан қўлланила олади. Агар предметларнинг ҳар қайсиси учун алоҳида-алоҳида номлар қўлланганда эди, тил алоқа воситаси вазифасини бажаришга яроқсиз бўлиб қоларди.¹

Ҳар қандай умумийлик алоҳидаликлар орқали намоён бўлади. Ҳар қандай алоҳидалик умумийликларнинг у ёки бу томонини намоёиш этади. Ҳар бир умумийлик бир қанча алоҳида предметларни фақат тахминан қамраб олади.

Ҳар қайси алоҳидалик қисман умумийликка киради. Аниқ предметга нисбатан маълум сўзни қўллар эканмиз, бу предметнинг тасодифий белгиларидан умумий белгини ажратамиз. Ана шу умумий ажратилган предмет реалема ва семантик предмет саналади. Семантик предмет белгининг маъносини ташкил этади. Реал предмет семантик предметга ёки Т.П.Ломтев атамаси билан айтганда, идеал референтга қарама-қарши қўйилади. Семантик предмет ҳам, реал предмет ҳам белгининг ифодаланмиши ҳисобланади. Уларнинг фарқи шундаки, семантик предмет идеал моҳият - тазоҳир, реал предметлар эса денотатнинг ўзи - борлиқ элементи саналади.¹

Инсон нутқий фаолият орқали фақат объектив борлиқ ҳақида ахборот берибгина қолмайди, шу билан биргаликда, объектив оламни ички нутқ орқали муайян элементларга ҳам ажратади. Бу ҳақда Н.И.Жинкин шундай фикр билдиради: "Борлиқ ҳақидаги фикрий мазмун бевосита предмет коди - нутқий белги воситасида қайта шаклланади. Бундай фикрни белгига айлантириш ички нутқда амалга ошади. Ички нутқсиз эса ташқи нутқнинг бўлиши мумкин эмас. Агар менга "Ана, ит югуриб келяпти", - деб айтсалар, мен бу гапнинг қандай сўзлар (олмош, от, феъл)дан ташкил топганлиги ҳақида мутлақо ўйламайман. Балки ит ҳақида, нима қилишим зарурлиги ҳақида ўйлаб, дарров атрофга қарайман".²

А.Фитрат ўзининг "Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф" асарида шундай ёзади: "Ўзингизни ўйласангиз, ҳайвонлардан бирини ўйласангиз (отни), бизга у ҳайвон устига ерлашмоқ учун бўлғон тебранишингизни ўйласангиз, уч маънони ўйлаган бўлурсиз. Бу уч маънони бирлаштириб, бир-бирига боғлаб, ўзингизни отга минганингизни ўйлаганда, миянгизда "ўй" тукқандир. Шу ўйни бир кишига билдирмақчи бўлғоч, "Мен от миндим" деб қўясизким, бу айтқанингиз бир "гап"дир.

Қўриладирким, юқоридаги ўйда уч маъно бўлгани каби у ўйни билдиргучи "гап"да ҳам уч сўз бор: "Мен от миндим". Демак, сўз маъно билдирган товушлар тўдасидир".³

Бундан товуш сигналлари орқали, бошқача айтганда, белгилар орқали инсон объектив оламга боришини ва аксинча объектив оламдан семантик предметлар орқали

¹ Новиков Л.А. Семантика русского языка. –М.: ВШ, 1982.-С.75.

¹ Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание.- М.: Наука,1976.- С. 261; Новиков Л.А. Семантика русского языка. –М.: ВШ, 1982.-С.78.

² Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. –М.: Наука, 1982.- С.65.

³ Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф. 1-китоб. –Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр. 1930.-Б.9-10.

белгилаштириш жараёни мавжуд эканлиги кўринади. Белги орқали объектив олам ҳақида ахборот олишимиз, яъни муайян шакл борлиқда нимани ифодалайди, деган саволга жавоб бериш тилшуносликда бир йўналишни, аксинча, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар семантик предметлар орқали қандай номланади, деган саволга жавоб бериш иккинчи йўналишни ташкил қилади. Биринчиси семасиологик план, иккинчиси эса ономасиологик план деб юритилади.

Ономасиологик планда йўналиш маънодан, семантик предметлардан шаклга қараб боради. Ички нутқ орқали инсон объектив оламни муайян предметларга ажратар экан, унинг мана шу хусусиятига алоҳида этиборни қаратган айрим олимлар тилнинг тузилишини шу тил эгаси бўлган жамиятнинг онг даражасини кўрсатади, деб ўйлайдилар.

Кўпчилик тилшунослар муайян моддий воситалар ёрдамида ифодаланган объектив оламнинг онгдаги умумлашган образини лексик маъно таркибига киритадилар. Бундай қарашда объектив олам элементлари экстралингвистик омил сифатида лингвистик белгидан ташқарида қолади.

Лекин ҳар қандай тил муайян белгилар системасидан иборат экан, бу белгилар орқали ҳар қандай ахборотни ифодалаш мумкинлиги бугунги кунда сир эмас.

Юқорида баён қилганимиздек, ҳар қандай лексеманинг семантик тузилиши уч элементни тақозо этади: 1) объектив олам элементлари; 2) унинг онгдаги акси; 3) моддий воситалар билан ифодаланиш.

Буларнинг қайсилари лексик маъно таркибига киради? Бу саволга ҳам мавжуд лингвистик адабиётларда турлича жавоб берилади.¹

Лексик-семантик гуруҳ

Кейинги йилларда анъанавий лексик семантика билан бир қаторда янги йўналишлар ҳам ривожланмоқда. Булар қаторига структур семантика, генератив семантика, концептуал семантика, коммуникатив семантика, психолингвистик семантика кабиларни киритиш мумкин. Анъанавий семантика асосан алоҳида сўз ёки гуруҳларининг ишлатилиши ва ривожланиш босқичларидаги маъноларини ўрганса, структур семантика (у М.М.Покровский, Ф.де Соссюр, Л.Ельмслев, И.Трир, В.Порциг, Л.Вайсгербер, Л.Теньер ва уларнинг издошлари томонидан ишлаб чиқилди) ўз олдида лингвистик маънолар, лексик-семантик парадигма ва бошқа турдаги семантик майдонларнинг систем алоқаларини ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

Жаҳон тилшунослигида структур семантика формализм ва релятивизмдан халос бўлиб, систем тилшуносликнинг муҳим қисмларидан бири сифатида қаралувчи систем семантикага айланиб қолмоқда. Коммуникатив семантика эса нутқий жараёнларни ўрганиш билан характерланади, чунки лингвистик (систем) ва лингвистик бўлмаган маънолардан ифода (кенг маънодаги дискурс ва матн) ларнинг аниқ мазмуни келиб чиқади.

Кўпчилик лингвистлар томонидан тил (нутқ) бирликларининг лексик-семантик жиҳатдан бир-бири билан боғланган эканлиги қайд этилган. Хусусан, Ф.де Соссюр лингвистик бирликлар ўртасидаги бир неча муносабат турларини кўрсатган бўлса, М.Покровский сўзлар бир-бири билан онгимиздан ташқарида маъноларининг маълум томонлари билан алоқадорлигини таъкидлаганди. Унингча, ҳар қандай тилда сўзларнинг ўзига хос бўлган семантик гуруҳлари бўлиб, уларнинг хусусий белгилари бошқа тиллар билан қиёсан очилади. Аммо М.Покровский томонидан қўйилган муаммо грамматик планда ўрганилди. Ана шу йўлдан бориб В.Виноградов сўзларнинг лексик маънолари турларига "предикатив" маъноларни ҳамда грамматикадаги айрим категорияларни қўшди.

А.Р.Лурия ҳар бир сўз муносабатларининг бутун бир мураккаб системасини юзага келтиришни қайд этади. Унинг фикрича, сўз бутун семантик тўрнинг (сетканинг)

¹ Новиков Л.А. Семантика русского языка. М.: ВШ, 1982; Калинин А.В. Лексика русского языка. – М.: МГУ, 1971; Виноградов В.В. Русский язык. – М.: ВШ, 1972 ва бошқ.

маркази бўлиб, сўз структурасининг муҳим психологик аспекти бўлган муайян семантик майдонни фаоллаштиради.¹

Фарбий Европа тилшунослигида Й.Трирнинг мазмуний майдон назарияси сўзларнинг лексик-семантик алоқалари ҳақидаги қарашларда муҳим ўрин тутлади.

Сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари ўз ичига икки ёки ундан ортиқ сўзларни уларнинг лексик маънолари бўйича бирлаштиради.

Тил ҳодисаси сифатида сўзларнинг лексик-семантик гуруҳларига аниқлик киритиш учун унга яқин бошқа категориялардан фарқловчи чегарани белгилаш керак. Аввало, сўзларнинг луғат таркибини мавзуий таснифлаш билан сўзларнинг лексик-семантик гуруҳи уртасидаги чегарани аниқлаш лозим.

Мавзуий луғатлар тузиш фақат методик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас. Мавзуий луғатлар тузишда сўзларнинг ўзаро боғловчи алоқалари - яқинликларига эътибор қаратмай, сўзнинг ички лексик маъноларига ҳам эътибор қилиш зарур.

Мавзуий гуруҳ луғатлари баъзан маълум соҳа лексикасига мувофиқ келиб қолиши табиий. Маълум ЛСГ мавзуий гуруҳларга таққосланса, улар ўртасидаги фарқлар кўринади. ЛСГ таркибидаги бирликлар ҳар доим ҳам мавзуий жиҳатдан битта гуруҳга бирлашавермайди. Бошқача қилиб айтганда, мавзуий гуруҳ бирликлари борлиқни мазмуний жиҳатдан бир хил ифодалаш билан бирлаштирамайди, бироқ мавзуий гуруҳ таркибидаги бирликлар мазмуний алоқаларни ҳам кўрсатиши мумкин:

Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.

Кўз - қулоқ бўлиб тур ва бошқалар.

Бу гуруҳларнинг умумийлиги уларнинг ўрганилган объектив борлиқни акс эттиришидир. Лексик-семантик гуруҳлар ҳам аслида қандайдир "мавзу"сига эга бўлади. ЛСГ тилнинг ривожланиш қонуниятлари асосида келиб чиқса, мавзуий гуруҳлар халқ билимларининг, қарашларининг натижаси демакдир.

Мавзуий гуруҳлар ичида сўзлар ўртасидаги муносабатлар фақат тушунчалар ўртасидаги ташқи муносабатлар асосида курилади. Бунда турлича тарздаги таснифлаш натижасида сўзлар маъносига таъсир қилмайдиган даражада бир-бирлари билан қўшилиш ва ажралишлари мумкин. ЛСГ ларда тилнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ бўлган тилнинг ички ҳодисалари (жумладан, сўзларнинг синонимик қаторлари) кузатилади. Сўзлар ўртасидаги мазмуний муносабатларни антонимлар орқали ҳам кўриш мумкин, антонимлар доимо бири иккинчиси сиз мавжуд бўлмайди.

Синонимик ва антонимик муносабатлар у ёки бу ЛСГ сўзлари ўртасидаги мазмуний алоқаларнинг икки энг муҳим турлари саналади, яъни зидловчи ва бирлаштирувчи белгилар синонимик ва антонимик муносабатларда кўринади.

Профессор Э.Бегматов лексикада системалилик хусусида фикр юритиб, тилшуносликда тилнинг лексик бойлигини ҳам муайян система сифатида тасаввур қилиш ва илмий таснифлашлари сифатида қуйидагиларни келтиради:

1) сўзларни сўз туркумларига ажратиш усули, яъни сўз туркумлари системаси;

2) сўзларни ясаиш моделларига кўра тасниф қилиш усули, яъни сўз ясаш усуллари

;

3) сўзларни функционал-стилистик гуруҳларга ажратиш усули, яъни сўзларнинг стилистик-дифференциал гуруҳлари;

4) сўзларни маълум мавзу гуруҳларига ажратиш усули, яъни сўзларнинг мавзу гуруҳлари ва бошқалар.¹

"Бир сўз туркумига хос сўзларнинг мазмуний синфлари бу, аъзолари умумий маъно (инвариант маъно-идентификатор) билан боғланган маълум даражада мураккаб гуруҳлардан иборат бўлган парадигматик турдаги лексик майдонлардир".²

¹ Лурия А.Р. Язык и сознание. М.: МГУ, 1979.- С.91.

¹ Бегматов Э, Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент: Фан, 1985.- Б. 116.

² Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990.- С.126.

Уларга сўзларнинг синонимик ва антонимик бирлашмалари, лексик семантик гуруҳлари киради. Аъзолари доимий (регуляр) оппозициялари билан боғланган сўзларнинг семантик синфларини "мазмуний парадигмалар" деб аташ ҳам учрайди, унда маълум парадигматик майдонларнинг турли микромайдонлари эътиборга олинади.

Лексик-семантик парадигмаларнинг тузилишини, асосан, бинар оппозициялар - икки томонлама зидланишлар шакллантиради. Аммо борлиқ ходисаларининг кўп томонли алоқалари билан боғлиқ бўлган кўп аъзоли зидланишлар ҳам бўлиши мумкин: масалан, ранг ифодаловчи сўзлар фақат иккитаси (оқ ва қора) эмас, деярли ҳаммаси зидланиши мумкин: *яшил, сариқ, кўк, қизил...*

Парадигматик тузилиш характериға сўзларнинг барча лексик гуруҳлари, атамалар системаси, ҳатто мавзуй гуруҳлар ҳам эға. Бироқ уларнинг системалилигига хос ифодаланиш даражаси, яъни системалилик асосида ётувчи қарама-қаршиликларнинг доимийлик даражаси бир хил эмас. Бу фарқлар кўп жиҳатдан экстралингвистик омиллар билан боғлиқ. Экстралингвистик омиллар маълум даражада сўзларнинг синонимик қаторлари структураси, кўпроқ мавзуй қаторлари билан боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент: Фан, 1985.
2. Бенвенист Э. Общая лингвистика. -М., 1974.
3. Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990.
4. Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспекти ва уларнинг муносабатлари. Хўжанд.1993
5. Новиков Л.А. Семантика русского языка. М.: ВШ, 1982.
6. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. Андижон. 2006.
7. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Т. «Ўқитувчи», 1990.
8. Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981.
9. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз ясаиши. Тошкент.: «Ўқитувчи». 1989